

КИМЁТЕРАПИЯ ЎТКАЗИШДА БЕМОРЛАР ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА КАТТА ҲАМШИРАНИНГ ЎРНИ

Рахманова Нигора Хошимовна

*Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология
илмий-амалий тиббиёт маркази Фаргона вилоят филиали
Химиотерапия бўлими катта ҳамшираси*

Аннотация: Мазкур мақолада кимётерапия жараёнида беморлар хавфсизлигини таъминлашда катта ҳамширанинг ўрни ва аҳамияти таҳлил қилинган. Кимётерапия онкологик касалликларни даволашда самарали усул ҳисобланса-да, у бир қатор ножўя таъсирлар ва асоратлар билан кечиши мумкин. Шу боис тиббий хизмат сифатини ошириш, хавф-хатарларни камайитириш ва даволаш самарадорлигини таъминлашда катта ҳамширанинг бошқарув, назорат ва ташкилотчилик фаолияти алоҳида ўрин тутади. Мақолада хавфсизлик стандартлари, цитостатик препаратлар билан ишлаш қоидалари, персонални ўқитиш ва беморларни кузатиш механизмлари ёритилган.

Калит сўзлар: кимётерапия, онкология, катта ҳамшира, бемор хавфсизлиги, цитостатик препаратлар, ҳамширалик парвариши.

КИРИШ

Бугунги кунда онкологик касалликлар жаҳонда ўлим кўрсаткичлари бўйича етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Кимётерапия онкологик беморларни комплекс даволашнинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. У ўсма хужайраларининг кўпайишини тўхтатиш ёки уларни йўқ қилишга қаратилган бўлса-да, организмнинг соғлом хужайраларига ҳам таъсир кўрсатиши мумкин.

Шу сабабли кимётерапия жараёни юқори даражадаги хавфсизликни талаб қилади. Беморлар ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилишда катта ҳамширанинг роли жуда муҳимдир. У нафақат ҳамширалик жараёнини ташкил этади, балки хавф-хатарларнинг олдини олиш, тиббиёт ходимлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш вазифаларини ҳам бажаради.

Кимётерапияда хавфсизлик масалаларининг долзарблиги

Кимётерапия қўлланилишида куйидаги хавфлар кузатилиши мумкин:

- аллергия реакциялар
- нейтропения ва инфекцион асоратлар
- кўнгил айниши ва қусиш
- анемия
- тромбоцитопения
- экстравазация (препаратнинг томирдан ташқари чиқиши)

Бундай ҳолатларнинг олдини олиш ва ўз вақтида аниқлаш тиббий жамоанинг мувофиқлаштирилган фаолиятини талаб қилади. Катта ҳамшира айнан шу жараённинг марказида туради.

Катта ҳамширанинг ташкилотчилик ва бошқарув фаолияти

Кимётерапия бўлимида катта ҳамшира қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

1. Ўрта тиббиёт ходимлари ишини ташкил этиш
2. Иш жадвалини тузиш ва назорат қилиш
3. Санитария-гигиена қоидаларига риоя этилишини таъминлаш
4. Цитостатик препаратларни сақлаш ва қўллаш тартибини назорат қилиш
5. Ҳисобот ва тиббий ҳужжатларни юритиш

Бошқарув фаолияти самарали йўлга қўйилган ҳолда, беморларга кўрсатиладиган тиббий хизмат сифати ошади ва асоратлар хавфи камаяди.

Цитостатик препаратлар билан ишлашда хавфсизлик

Цитостатик препаратлар юқори токсик хусусиятга эга. Улар билан ишлашда:

- махсус ҳимоя кийимлари (қўлқоп, ниқоб, халат)
- вентиляция тизими
- махсус утилизация қоидалари

қатъий амал қилиниши шарт.

Катта ҳамшира ходимларнинг шахсий ҳимоя воситаларидан фойдаланишини назорат қилади, инструктаж ўтказди ва хавфсизлик техникасига риоя этилишини таъминлайди.

Беморларни кузатиш ва асоратларнинг олдини олиш

Кимётерапия даврида бемор ҳолатини мунтазам мониторинг қилиш муҳим аҳамиятга эга. Катта ҳамшира қуйидагиларни ташкил этади:

- ҳарорат ва ҳаётий кўрсаткичларни кузатиш
- лаборатор таҳлилларни назорат қилиш
- ножўя таъсирларни эрта аниқлаш
- шифокорга ўз вақтида ахборот бериш

Шунингдек, бемор ва унинг яқинларига тушунтириш ишларини олиб бориш, овқатланиш ва гигиена бўйича тавсиялар бериш ҳам хавфсизликни таъминлашнинг муҳим қисми ҳисобланади.

Персонални ўқитиш ва малакасини ошириш

Замонавий тиббиётда доимий таълим муҳим аҳамиятга эга. Катта ҳамшира:

- ички семинарлар ташкил этади
- янги клиник протоколлар билан таништиради
- фавқулудда ҳолатларда ҳаракат алгоритмларини ўргатади
- ёш ҳамшираларга амалий кўникмаларни шакллантиради

Бу эса хатолар эҳтимолини камайтиради ва бемор хавфсизлигини таъминлайди.

Психологик қўллаб-қувватлаш

Онкологик беморлар кўпинча кўрқув ва стресс ҳолатида бўладилар. Катта ҳамшира бўлимда ижобий психологик муҳит яратишга масъул. Бемор билан мулоқот маданияти, меҳр-шафқат ва сабр-тоқат даволаш самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатади.

Хулоса

Кимётерапия ўтказиш жараёни юқори масъулият ва хавфсизлик чораларини талаб қиладиган мураккаб тиббий амалиётдир. Ушбу жараёнда катта ҳамширанинг роли жуда

муҳим бўлиб, у ташкилотчилик, назорат, таълим ва психологик қўллаб-қувватлаш вазифаларини бажаради.

Катта ҳамширанинг профессионал билим ва кўникмалари, раҳбарлик қобилияти ва масъулияти бемор хавфсизлигини таъминлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Самарали ташкил этилган ҳамширалик хизмати кимётерапия асоратларини камайтириш, даволаш натижаларини яхшилаш ва беморларнинг ҳаёт сифатини оширишга хизмат қилади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. World Health Organization. Global patient safety action plan 2021–2030. Geneva: WHO; 2021.
2. World Health Organization. WHO guidelines on safe management of wastes from health-care activities. 2nd ed. Geneva: WHO; 2014.
3. National Comprehensive Cancer Network (NCCN). Clinical Practice Guidelines in Oncology. Antiemesis. Version 2023.
4. National Comprehensive Cancer Network (NCCN). Hematopoietic Growth Factors. Clinical Practice Guidelines. Version 2023.
5. European Society for Medical Oncology (ESMO). Management of toxicities from chemotherapy: ESMO Clinical Practice Guidelines. Annals of Oncology. 2020.